



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 21 июнь, № 120 (6555) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

### ХИТОЙ — ЎЗБЕКИСТОН ДЎСТЛИГИНИНГ ЯНГИ ЁРҚИН САҲИФАЛАРИ

Си Цзиньпин,  
Хитой Халқ Республикаси Раиси



ва Ўзбекистон заминидан улғайган бошқа машҳур тарихий шахсларни Хитойда жуда яхши билишади. Марказий Осиёда Хитой ва Фарб маданияти ўзаро уйғунлашиб кетган ва Ўзбекистон бу борада кўприк вазифасини ўтаганини алоҳида қайд этиш лозим. Асрлар давомида қарор топган ўзаро муносабатлар ва дўстлик аънаналари

Ям-яшил майсазорлар ерга гилмайди тўшалган, кимсасиз тоғлар эса кумуш рангда товланиб ётибди. Ушбу шеъринг сатрлар битилганига 600 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Уни Мин сулоласидан бўлган Хитой элчиси Марказий Осиёга сафари чоғида ёзган. Ўзбекистоннинг бетакрор табиати ва гўзал манзарасини Хитой халқи қадимдан яхши билади ва ҳамон унга мафтун бўлиб келмоқда. Мен гўзал Ўзбекистонга илк бор 2013 йилнинг сентябрь ойида ташир буюрдим ва ўшанда бу мамлакатнинг сўлим табиати, кўп асрлик тарихи ва маданияти, меҳнатсевар ва истеъдодли халқи менда унутилмас таассурот қолдирди.

Хаётнинг тароватли, қайноқ ёз кунларидан Президент Ислом Каримов таклифига биноан Ўзбекистонга яна ташир буюриб, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентда бўладиган ва кўплаб масалалар муҳокама этилиши кутилаётган саммитида иштирок этман.

Меҳнатсевар, мард, танти, садоқатли ва масъулиятли, бағрикенг ва фидойи Хитой ва Ўзбекистон халқларининг оила, давлат ва ҳаёт ҳақидаги қарашлари ўхшаш. Бундан 2000 йил аввал Буюк Ипак йўли халқларимиз ўртасида дўстлик алоқаларини ўрнатди, ўзаро ҳамкорлик қилиш ва бир-бирини бойитиш каби эзгу мақсадларга хизмат қилган. Хитойнинг Сихан сулоласи элчиси Чжан Цань, Тан сулоласи элчиси Сюанцзан ва Мин сулоласи элчиси Чэньчэн турли даврларда муайян миссия билан Ўзбекистонга келган ёки унинг ҳудудидан ўтган. Ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий

(Давоми 2-бетда).



Халқимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, турмуш фаровонлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Айниқса, бугун яқин ҳамда узоқ атрофимизда кузатилаётган турли қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, тўқнашувлар, низо-адovatлар кучайиб бораётган гоёт қалтис бир шароитда ушбу масала янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Бундан тўғри хулоса чиқариш, тинчликнинг нақадар улуғ неъмат эканлигини теран англаб, ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшаш, қўлга киритилаётган улкан ютуқ ҳамда муваффақиятларимизни қадрлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.



## Юртимиз сарҳадларининг жасур посбонлари



Дарҳақиқат, истиқлол йилларида юртимизда тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида мустақиллигимизни янада

мустаҳкамлаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодий таъминоти ривожлантириш, шаҳару қишлоқларимизда замонавий шарт-шароитлар яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириляптир. Бу, албатта, мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик билан бевосита боғлиқ. Бу борада, шубҳасиз, Қуролли Кучларимизнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунки мил-

лий армиямиз юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлиги ҳамда ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолатига айланган. Ўзбекистонимиз ўзининг йигирма беш йиллик мустақил тараққиёт йўли давомида замонавий, ихчам, ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ҳамда осойишта ҳаётини ҳимоя

қилишга қодир миллий армиясига эга бўлди. Чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурларни изчил амалга ошириш асосида Қуролли Кучларни бошқаришнинг замонавий тизими яратилди. Қўшинларнинг тузилиши, жанговар таркиби, ташкилий-штар курилиши ҳам тубдан янгиланди. Пировардида юртимизнинг мудофаа қобилияти

(Давоми 4-бетда).

## Маданий-гуманитар ҳамкорлик ШХТ муваффақиятли фаолиятининг муҳим йўналишидир

"Ўзбекистон ШХТга раислиги доирасида маданий-гуманитар, илм-фан ва таълим соҳаларида самарали минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратади".

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом **КАРИМОВ**.  
(ШХТ Уфа саммити нутқидан, 2015 йил, июль)

Жорий йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил топганига 15 йил тўлади. У 2001 йили, энг аввало, минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни, хавфсизликка таҳдидларга қарши курашни мустаҳкамлаш учун таъсис этилган эди. Бироқ унинг фаолиятида маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ташкил қилиш тўғрисидаги декла-

рацияда илмий-техникавий, маданий, таълим соҳаларидаги ҳамкорлик мазкур тузилманинг мақсадлари сифатида ўзифодасини топган.

2002 йили ШХТга аъзо мамлакатлар маданият вазирлари йиғилиши механизмининг ишлаш бошлагани бу йўналишда ташланган муҳим қадамлардан бири бўлди. ШХТ маданият вазирларининг биринчи йиғилиши ўша йилнинг ўзида ХХР пойтахти Пекин

шаҳрида бўлиб ўтди. Шундан буён маданий алмашувларнинг замонавий ҳолати ва истиқболларини муҳокама этиш мақсадида бундай анжуманлар ҳар йили ўтказилмоқда.

2005 йили тузилган маданий ҳамкорлик масалалари бўйича экспертлар гуруҳининг биринчи мажлиси 2006 йил декабрь ойида бўлиб ўтди. ШХТ маконида қўшма маданий тадбирлар ўтказилишини кўриб чиқиш ушбу гуруҳ-



нинг асосий вазифаси сифатида белгиланди. Шунингдек, 2006 йилдан эътиборан мазкур соҳада кўп томонлама шерикликнинг йиллик режаларини қабул қилиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш тажрибаси йўлга қўйилди. Унга мувофиқ, ихтисослаштирилган анжуманлар ўтказилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ШХТ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентда шу йилнинг 23-24 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлиси бўлиб ўтди. Шу муносабат билан ШХТ саммитининг пойтахтимиздаги халқаро матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ташкил этилди.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этиши расман тасдиқлангани таъкидланди.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Мўғулистон Президенти Ахиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Хусайн, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Мухаммад Зариф кузатувчи давлатлар, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов раислик қилувчи мамлакат меҳмони сифатида иштирок этади.

Мажлисида ШХТ Бош котиби Рашид Алимов ва ШХТ Минтақавий ақсилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев ҳам қатнашади.

(Давоми 2-бетда).

## МАТБУОТ МАРКАЗИ САММИТГА ТАЙЁР

Тошкент шаҳрида 23-24 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтади. ШХТга Ўзбекистон Республикасининг раислиги доирасида саммит олдидан кенг қўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

ШХТ саммитини ёритишда Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Беларусь, Эрон, Мўғулистон ва бошқа давлатлар оммавий ахборот воситаларидан икки юзга яқин

вакил, мамлакатимиздан қарий бирикми журналист қатнашади. ШХТнинг халқаро майдондаги аҳамияти ва нуфузи оқсалиб, фаолияти самарадорлиги ошиб бораётгани жаҳонда катта қизиқиш уйғотмоқда. ШХТнинг Тошкент саммитини нафақат мазкур

ташкilotга аъзо, кузатувчи, мулоқот бўйича шерик ҳамда меҳмон сифатида таклиф этилган мамлакатлар, балки бошқа кўплаб давлатларнинг оммавий ахборот воситалари, нуфузли халқаро нашрлар, ахборот агентликлари, интернет нашрлари ва

телеканаллар вакиллари ҳам ёритиб бориш истагини билдиргани бунинг далилидир.

Саммит доирасидаги тадбирларни кенг, сифатли ҳамда тезкор ёритиш учун "Ўзэкспомарказ"да барча қулайликка эга халқаро матбуот маркази ташкил этилди. Саммит кунлари журналистлар иш олиб борадиган ушбу марказ энг юксак талабларга жавоб берадиган

замонавий техника — электрон намойиш стендлари, компьютерлар, принтерлар ва бошқа кўп функцияли қурилмалар, телефон бўлими, Wi-Fi ҳамда симли тизимлар орқали интернетга уланishi имконияти яратилган.

Матбуот марказида саммит арафасида ва анжуман кунлари журналистларнинг тўлақонли ҳамда самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароитлар яратилган.

Ў.А.

# ХИТОЙ – ЎЗБЕКИСТОН ДЎСТЛИГИНИНГ ЯНГИ ЁРҚИН САҲИФАЛАРИ

◀ (Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Мамлакатларимиз Ипак йўли иқтисодий йўналишини биргалликда ташкил этишни қўллаб-қувватламоқда, муносабатларимизни изчил кенгайтириш ва амалий мазмун билан бойитишга интиломоқда, ҳамкорликнинг янги имкониятларини топмоқда, халқаро масалалар ва хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик бўйича ўзаро ҳамжиҳатлик мустаҳкамланмоқда. Хитой билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлик кўлами мунтазам кенгайиб, сифати ортмоқда. Икки томонлама муносабатларимизни жадал ривожлантиришнинг олтин асри бошланди.

Айни пайтда Хитойнинг Ипак йўли иқтисодий йўналишини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусини ҳаётга татиқ этиш бўйича ўзаро ҳамкорлик мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналишлари ва устувор лойиҳаларни белгилаш ва илгари суришга қаратилган. Хитой Ўзбекистоннинг Осиё инфратуризмий инвестиция банкининг дастлабки таъсисчиларидан бири эканини юксак қадрлайди.

Хитой маълумотларига кўра, 2015 йилда Хитой билан Ўзбекистоннинг ўзаро савдо ҳажми 3,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Бу кўрсаткич дипломатик муносабатлар ўрнатилган дастлабки йилларга нисбатан 70 баробардан кўпроқ ўсган. Мана, уч йилдирки, Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик инвестори ва иккинчи йирик савдо шериги бўлиб келмоқда. «Хитой — Марказий Осиё» газ қувурининг тўрт тармоғи ҳам Ўзбекистон ҳудудидан ўтган. Шу йилнинг февраль ойида Хитой билан Марказий Осиё ўртасидаги транспорт йўлагининг янги бўғини бўлган «Ангрен — Поп» темир йўл линиясининг Марказий Осиёдаги энг узун тоннели қурилиши ниҳоясига етди. Мамлакатларимиз «Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон» темир йўл магистралини барпо этишни қўллаб-қувватлайди. Шина заводи, поливинилхлорид ва сода заводи бўйича лойиҳалар биргаликда амалга оширилди, пахта ни қайта ишлашга доир ҳамкорлик йўлга қўйилди. Саноат соҳасида қоплама гишт, смартфон ишлаб чиқариши, терига ишлов бериш ва пойабзал тайёрлаш бўйича лойиҳалар ҳаётга татиқ этилмоқда.

Хитой ва Ўзбекистон қадимий тарихга эга ва маданияти бой мамлакатлардир. Гуманитар алоқалар ҳамшиша Хитой — Ўзбекистон муносабатларининг муҳим тарқибий қисми бўлиб келган. Сўнги йилларда талабалар алмашиш, хитой

тилини ўқитиш, минтақалараро алоқалар, қўшма археологик экспедициялар ўтказиш, бадий асарларни ҳар икки тилга ўгириш бўйича янги ютуқларга эришилди, бу каби ҳамкорликлар икки мамлакат халқларининг қалбига ўзаро ҳурмат туйғуларини чуқур сингдирди. Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда очилган Конфуций институтини 11 йил давомида Хитой билан Ўзбекистон дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган 3 мингдан зиёд мутахассис битирди. Хитой қадимги маданият ёдгорликлари ишлари бўйича давлат бошқармаси, Хитой ижтимоий фанлар академияси, Хитой Шимоли-Ғарбий университети ўзбекистонлик ҳамкасблари билан археологик тадқиқотлар олиб бориш ва тарихий обидаларни реставрация қилиш бўйича ҳамкорликда ишламоқда, Буюк Ипак йўлининг асл кўринишини қайта тиклашга ҳаракат қилмоқда. Яқинда хитойлик машҳур ёзувчи Лаошнинг «Мушуклар шаҳри хотиралари» асари ўзбек тилига таржима қилинди ва чоп этилди. Бу асар ўзбек китобхоналарига Хитой адабиёти билан яқиндан танишишга ёрдам беради, деб ўйлайман.

Хитой билан Ўзбекистон манфаатлари ва тақдири муштарак, қувонч ва ташвишн биргаликда баҳам кўрадиган тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро манфаатдор шериклардир. Халқларимиз ўз орзусини рўёбга чиқариш, мамлакатларимизни ривожлантириш ва миллат нуфузини янада юксалтиришга интиломоқда. Халқаро майдондаги аҳвол шиддат билан ўзгариб бормоқда, жаҳон иқтисодийнинг қайта тикланиш жараёни сўст кечмоқда, дунё давлатлари олдида ўз тараққиётининг таъминлашдек мураккаб вазифа турибди. Бундай шароитларда кенг кўламли Хитой — Ўзбекистон ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш давр талабига ва мамлакатларимиз ҳамда халқларимизнинг туб манфаатларига мос келади, десам, адашмайман. Истак ва интилишларимиз, ўзимизга бўлган ишонч Хитой ва Ўзбекистонни биргаликда ривожлантириш, халқларимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

— Сиёсий жиҳатдан ўзаро ишонч ва ёрдамни мустаҳкамлашимиз лозим. Қадимги хитой мутафаккири Конфуций айтганидек: «Дўстлар билан мулоқот қилишда ўз сўзида турмоқ керак». Сиёсий ўзаро ишонч — бу Хитой — Ўзбекистон муносабатларини самарали ривожлантиришнинг кафолатидир. Мамлакатлари-

миз, ҳар доимгидек, томонларнинг давлат суверенитети, хавфсизлик ва тараққиёт каби муҳим манфаатларига тааллуқли масалаларда бир-бирини қатъий қўллаб-қувватлайди. Хитой Ўзбекистон ўзи танлаган ва мамлакатдаги реал шароитларга мос келадиган муқтакил тараққиёт йўлини изчил қўллаб-қувватлайди, Ўзбекистоннинг ички барқарорлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш таъминлаш бўйича чора-тадбирларига ҳурмат билан қарайди, Ўзбекистоннинг ички ишлари-га ташқаридан аралашувларга қаршидир.

— Биз ўзаро манфаатли асосда Ипак йўли иқтисодий йўналишини биргаликда шакллантиришимиз зарур. Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик, қаторида ноҳам ашё соҳасидаги ҳамкорликни ҳам кенгайтириш, савдо-иқтисодий тузилмани яхшилаш, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар учун қўлай шароитлар яратиш лозим. Бу борада ўзаро манфаатли янги йўналишларни топиш, иқтисодийда, авваламбор, юқори технологияли тармоқларда ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш ва ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш даркор.

— Халқларимизнинг маданият, таълим, туризм, археология ва минтақалараро алоқалар соҳасидаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқимиз, Буюк Ипак йўлидаги қадимги давлатлар сифатида халқларимизда бундан фахрланиш ва ўзига ишонч туйғусини янада мустаҳкамлашимиз зарур. Бунинг учун Конфуций институтларининг ролини кучайтириш, Хитой — Ўзбекистон дўстлигини ворисларини тайёрлаш мақсадида ёшлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш даркор. «Қувноқ баҳор байрами» концерт дастури ва «Шарқ тароналари» мусика фестивалини қўллаб-қувватлаш, халқларимизнинг энг яхши маданий дастурлар ва бадий асарлар билан яқиндан таништиришимақсадаг мувофиқдир.

— Умумий, комплекс, кооператив ва барқарор хавфсизлик концепциясини ҳаётга татиқ этишимиз, икки давлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва махсус хизматлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашимиз зарур. Шунингдек, вазиятни таҳлил қилиш ва ахборот алмашишни кучайтириш, «уч ёвз куч», наркотрафик ва трансчегаравий уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўри-нишларига қарши қатъий курашиш, минтақда барқарор

ривожланиш учун хавфсиз муҳит яратиш ва мамлакатларимиз халқлари ҳаёти ҳамда мулки хавфсизлигини таъминлаш муҳимдир.

— Халқаро масалалар юзасидан стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлашимиз, БМТ, ШҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлардаги ҳамкорликни мувофиқлаштиришни чуқурлаштиришимиз зарур. Халқаро миқёсдаги амалий ташаббусларимизни қатъий қўллаб-қувватлаб, глобал иқтисодий бошқарув, энергетика хавфсизлиги, сув ресурслари каби жаҳон миқёсидаги масалалар бўйича, шунингдек, минтақавий аҳамиятга эга долзарб масалалар, чунончи, Афғонистон, Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги вазият юзасидан ўз вақтида фикр алмашиш, мамлакатларимизнинг стратегик манфаатларини биргаликда ҳимоя қилишимиз керак. Хитой халқаро масалаларда Ўзбекистоннинг роли ва ўрнини кучайтиришни қўллаб-қувватлайди.

Ташрифдан ташқари, яна бир муҳим дастур — ШҲТнинг Тошкент саммитида иштирок этаман. ШҲТ ташкил топганининг 15 йиллигини нишонлаш нуктаи назаридан, бўлажак саммит ташкилотни ривожлантириш таърибасини умумлаштириш ва истиқболдаги ҳамкорлик йўналишларини қўриб қишиб учун алоҳида аҳамият касб этади. ШҲТ 15 йилдан буён ўзаро ишонч ва манфаат, тенглик, маслаҳатлашчи, маданиятлар ва цивилизациялар хилмахилигини ҳурмат қилиш, биргаликда ривожланишга интилишни ўзида муҳасаса этган «Шанхай руҳи» ни ҳаётга жорий этиш келмоқда. Ташкилот очқлик, бағрикенглик, ҳамкорлик ва умумий манфаат асосида янги кўри-нишдаги халқаро муносабатларни шакллантириш тарафдори бўлган ва шундай бўлиб келмоқда, минтақда барқарорлик ва фаровонликни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича Шанхай конвенцияси, ШҲТга аъзо давлатларнинг чегара масалалари бўйича ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги тўғрисидаги шартноманинг тузилиши ҳамда амалга оширилиши трансчегаравий жиноятчилик, террористик ва экстремистик гуруҳлар фаолиятига барҳам бериш ва шу тарика ташкилотга аъзо давлатлар олдида турган хавфсизликка раҳна соладиган таҳдидларга қарши самарали курашиш имконини бермоқда. ШҲТ доирасида савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги ва гуманитар соҳаларда амалий ҳамкорлик-

ни янада мустаҳкамлаш ташкилотга аъзо давлатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга кўмаклашмоқда ва бунинг самарасида яқин кўшичилик, дўстлик ҳамда ўзаро манфаатдорлик гоёси халқларимиз қалбига янада чуқур сингиб бормоқда. ШҲТни кенгайтириш бошлангидан буён унга аъзо бўлиш истагини билдирган давлатлар сафи кенгайиб бормоқда. У географик жиҳатдан Марказий Осиё, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиёни қамраб олмақда. ШҲТ доирасида ҳамкорлик қилиш имконияти тобора кенгайиб, унинг роли ва таъсири муттасил ортиб бормоқда.

Ўзбекистон ШҲТга раислиги даврида ташкилот доирасида барча йўналишда ҳамкорликни изчил ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлашни истардим. Хитой Ўзбекистон ва бошқа аъзо давлатлар билан баргаликда янги босқич сифатида Тошкент саммитидан бошлаб ШҲТнинг минтақадан ва халқларимиз манфаати йўлидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга тайёр.

Бу йил Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон халқини ушбу қутлуг байрам билан самимий табриқлайман. Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда мамлакатни ривожлантириш борасида оламшумул муваффақиятларга эришилди, халқаро майдонга унинг обрўси ва таъсири тобора мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистон халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган тараққиёт самараларидан мамлакатнинг барча аҳолисини баҳраманд қилмоқда. Бу борада «Ёшлар йили», «Соғлом бола йили», «Кексаларни эъзозлаш йили», «Соғлом она ва бола йили» каби махсус Давлат дастурларининг ҳаётга татиқ этилиши натижасида аҳоли фаровонлиги юксалмоқда, шаҳар ва қишлоқлар ҳар томонлама ривожланмоқда. Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт модели шакллантирилди ва муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ўзбекистонга барча соҳада янги ва юксалиш йўлида бундан кейин ҳам изчил ҳамкорликни давом эттиради, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликнинг ёрқин, янги саҳифаларини очаверади.

## ШҲТ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИГА БАҒИШЛАНДИ

◀ (Давоми. Бошланчи 1-бетда).

ШҲТ саммитида халқаро ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўринбосари Жефри Фелтман, Муқтақил Давлатлар Хамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордужа, АСЕАН Бош котиби Ле Лионг Минь, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг ижрочи директори Гун Цзяньвэй ҳам иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари А. Носировнинг маълум қилишича, табдирда иштирок этиш учун Тошкентга ШҲТга аъзо давлатлар, халқаро ташкилотлар, шунингдек, чет эл оммавий ахборот воситаларининг қарийб 1000 вакили ташриф буюради.

Бўлажак ШҲТ саммити давлат раҳбарларининг юбилей мажлиси бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил топганининг 15 йиллигига бағишланади.

Давлат раҳбарлари мажлиси кун тартибига мувофиқ, ШҲТ доирасида серқирра ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларини муҳокама этиш режалаштирилган.

22-23 июнь кунлари ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши бошқаруви ва Банклараро бирлашма кенгашининг ҳам мажлислари ўтказилади. Уларнинг доирасида ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатларнинг ишбилармон ҳамда молиявий доиралар вакилларининг савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик соҳасида иштирокини фаоллаштириш ҳақида фикр алмашиш мўлжалланмоқда.

ШҲТ саммити ҳужжатлари бўйича якуний келиши мақсадида 20-22 июнь кунлари ШҲТга аъзо давлатлар миллий координаторлари кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтмоқда.

Давлат раҳбарлари 2025 йилгача ШҲТни ривожлантириш страте-

ЎА.

# Маданий-гуманитар ҳамкорлик ШҲТ муваффақиятли фаолиятининг муҳим йўналишидир

◀ (Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Шуни таъкидлаш жоизки, 2007 йил 16 августда ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида маданий соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг имзоланиши билан бу йўналишдаги алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Утган йиллар давомида ташкилот мамлакатлари ҳудудида мунтазам равишда ҳунарманд усталарнинг кўргазмалари ва халқ ижодиёти фестиваллари ўтказиб келинмоқда. Қўшма маданий табдирлар сони йилдан-йилга ошиб бораётти, уларнинг дастурлари мазмунан бойиб, кенг қамровли тус олаётти.

ШҲТ давлатларидаги акцияларда, табдирлар ва халқ байрамларида фольклор жамоалари иштирок этмоқда. 2007 йили биргаликдаги сазъ-ҳаракатлар билан «Цивилизациялар мулоқоти» альбоми нашр қилинди. Унда тузилмага қирадиган мамлакатларнинг мада-

ний ўзига хосликларига доир умумлашма маълумотлар ўз ифодасини топди.

Музыка, театр ҳамда тасвирий санъат, кинематография, архив, музей ва кутубхоначилик ишлари, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳалари ҳам ўзаро тажриба алмашишининг муҳим йўналишларидандир. ШҲТ мамлакатларининг ижодий жамоалари ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалининг доимий қатнашчилари ҳисобланади.

Бундай табдирларнинг барчаси давлатлар ҳамда халқларни бир-бири билан таништиришга, ўзаро тўғри тушушни ва мулоқотни чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Таълим муассасаларида ШҲТга аъзо давлатларнинг тиллари, тарихи, маданияти ҳамда адабиётини ўрганиш бўйича ҳам иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида Конфуций институтлари,

Хитойнинг қатор олий ўқув юрларида минтақамиз халқларининг тилларини ўрганиш кафедралари тузилди.

Шу ўринда Хитой Халқ Республикасида Ўзбекистонга, унинг тарихи, маданияти ҳамда замонавий тараққиётига бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганини кайд этиш лозим. Хусусан, 2013 йилдан эътиборан мамлакатда Ўзбекистон тадқиқотлари маркази фаолият кўрсатмоқда. Хитойнинг нуфузли ўқув-академик муассасаларидан бири ҳисобланадиган Шанхай халқаро тадқиқотлар университетида ўзбек тили кафедраси ишлаб турибди. Агар яқин вақтга қадар унда битта гуруҳ тахсил олган бўлса, жорий йилдан бошлаб уларнинг сони иккитга етди. Бундан ташқари, 2016 йилнинг сентябридан эътиборан Ўзбек тили нафақат кафедрада, балки Шанхай олий ўқув юртида алоҳида факультатив дурс сифатида ўқитилади.

Маълумки, ШҲТ давлатлари катта илмий-техникавий сало-

ҳиятга эгадир. Уларнинг бугунги тараққиётида «билимлар иқтисодиёти» изчил ошиб бораётгани кутатилмоқда, ташкилот мамлакатлари ўз интеллектual салоҳиятини юксалтириш учун салмоқли ҳажмдаги маблагларни жалб этаяпти. Бу мазкур жабҳада яқин шериклини йўлга қўйишни тақозо қилади.

Шу боис 2010 йилдан буён амал қилаётган фан ва техника бўйича ШҲТга аъзо мамлакатлар вазирликлари ҳамда идоралари раҳбарларининг учрашуви механизми самарадор эканлигини таъкидлаш жоиздир. Ўша йилнинг май ойидаёқ Пекинда тузилмага аъзо давлатлар вакилларининг бу йўналишдаги биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида кўп томонлама илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш ва ШҲТ ҳудудида илм-фан, янги технология ҳамда инновацияларни илгари суриш учун қўлай шароитларни яратиш масалалари муҳокама этилди.

миология хизматлари раҳбарлари даражасида (2008 йил июнь ойидан бошлаб) амалга ошириляпти.

2011 йилнинг июнь ойида имзоланган Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга биоан, томонлар юқумли касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиш, дори воситаларининг хавфсизлиги ҳамда сифатини таъминлаш, саломатликни муҳофаза этиш тизими ҳамда телетиббиётни ахборотлаштириш ва бошқа масалаларда бир-бирига кўмаклашди. Ҳамкорликнинг аниқ-равшан механизmlари ҳам кўзда тутилган. Улар илмий ҳамда инновацион муваффақиятлар, илгор ва замонавий технологиялар алмашуви, халқаро табдирларда (кўргазма, конференция, симпозиум ҳамда бошқалар) қатнашиш, жамоатчилик салома тилигига хавф туғдирадиган фавуқлода вазиятларда тезкор ахборот алмашишдан иборатдир.

2013 йилнинг ноябрь ойида Тошкентда ушбу соҳада қўриладиган чора-тадбирларнинг «йўл харитаси» бўлиб хизмат қиладиган тегишли дастур қабул қилинди.

«Жаҳон» АА.

**ЭЪТИБОР**

Ортимизда ёшларнинг орзу-ниятлари, эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш учун барча имконият мавжуд. Билим олишга иштиққанд йигит-қизларга замонавий таълим масканлари мунтази, касби бўйича меҳнат қилишлари учун энг илғор технологиялар билан жиҳозланган корхонаю ташкилотларнинг эшиги очилди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, келажакимиз эгаларининг тараққиётимиз йўлида ғайрат-шижоат кўрсатишлари, ўз иқтидори истеъдодларини намойён этишларига хизмат қилмоқда.

Эндикда соғлом, маънан баркамол, интеллектуал салоҳиятли ёшларимиз дунёнинг тараққий топан мамлакатларидаги тенгдошлари билан барча соҳада бемалол баҳс-лаша оладилар. Бинобарин, бу Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳеч қимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган навқирон авлод — Мустақиллик ёшларини воғга етказиш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасидир.

Бу борада амалга оширилган ишлар нечоғли тўғри ҳамда оқилона эканлиги ўтган вақт мобайнида амалда ўз икисботини топти. Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қайд этилгандек, Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш» рейтингига қўра, Ўзбекистон «Кичик бизнес субъектлари» кредит бериш» деб номланувчи кўрсаткич бўйича сўнгги уч йилда дунё мамлакатлари орасида 154-ўриндан 42-ўринга қўтарилди, ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 ғоғона яхшилаб олди. Ана шу йўналишдаги ислохотлар натижасида республикамиз яқни ички маҳсулотига кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг улushi 2000 йилдаги 31 ғоғоздан 56,7 ғоғозга етиб, мазкур соҳадаги жами санаот маҳсулотларининг ушдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 ғоғози ишлаб чиқарилишини таъминламоқда. Жами аҳолининг 77 ғоғоздан ортиғи эса ушбу тармоқда банд.

Эътиборлиси шундаки, оила-си фаровонлиги ва мамлакатимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилаётган ишбилармонлар сафи касб-хўнар коллежлари ёки олий ўқув юртиларини битирган ёш мутахассислар ҳисобига йил сайин кенгайиб бораётир. Бу эса ҳар биримизда фаҳр-ифтихор туйғуларини уйғотмоқда. Чунки улар — ўзбек фарзанди, Ўзбекистон номли муқаддас Ватанининг келажағи, юрт равнақига ҳисса қўшаётган баркамол авлод вақилларидир. Мазкур жараёнда давлати-

минар кўмағида кўпгина йигит-қизларимиз ўз бизнесларини йўлга қўйиб олишмоқда.

— Ёшлик инсон умрининг шижоатли, орзу-умидларга лиммо-лим палласидир, — дейди Оқолтин майиши хизмат кўрсатиш касб-хўнар коллежи битирувчиси Хилола Исмоилова. — Бу чоғда олинган билим ёки

лари — тадбиркорлик, бунёд-корлик ва тараққиёт хизматида!» шиори остида семинарлар уюштирилмоқда.

Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад касб-хўнар коллежлари битирувчиларининг банк хизматлари билан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришдан иборатдир.

камиз ҳукумати ҳамда Марказий банк олдида макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, миллий валютани муомалага киритиш, шу орқали мустақил пул ва сифат жиҳатидан янги банк тизimini яратишдек йўта масъулиятли вазифалар тўра эди. Уларни ҳал этиш, ўз навбатида, улкан билим, етук

Фармон ҳамда қарорлар туйфайли соҳа вақилларига банк хизматларидан фойдаланишда кўллаб энгилликлар тақдим қилинган. Уларнинг ижроси доирасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида сўнгги йў йил мобайнида тижорат банкларининг тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳамми қарийб 20 баробар ўсиб, 45 триллион сўмга етгани ана шундан далолат беради.

Яна бир эътиборли жиҳати, ёшлар бандлигини таъминлашда ҳам банкларнинг фаол иштирок этмоқда. Яъни юртингиз молия муассасалари касб-хўнар эгаллаб, хаётга энди на кадам қўяётган навқирон авлод вақилларига кредит маблағлари ажратиб, уларнинг жамиятга ўз ўрнига эга бўлишини таъминлаш учун ўзига хос ҳисса қўшиб келаяпти. Бунда, айниқса, ёш тадбиркорларнинг хақиқий кўмақчиси айланган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг ўрни беқийсизлиги алоҳида таъкидлаш жоиз.

Буларнинг барчаси Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва дунё миқёсида тараққиётнинг «Ўзбек модели» сифатида тан олинган ислохотлар самарасидир.

Очиғи, истиқлолга қадр, асосан, тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлашга иқтисодлаштирилган махсус молия муассасасини ташкил қилиш ҳеч қимнинг тасаввурига сифмасди. Бевосита Президентимиз ташаббуси билан фаолият бошлаган «Микрокредитбанк» айнан мазкур соҳа вақилларига кўмак бериш орқали аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашга муносиб улуш қўшмоқда. Қолаверса, молия муассасаси томонидан тақлиф этилаётган кредитлар бошқа молия институтларидаги нисбатан энг паст ғоғозлиги билан ҳам ажралиб туради. Бундай қўлай шартли ҳамда имтиёзли маблағ тадбиркорлик билан шугулланувчилар сафи тобора кенгайишида айни мудоо бўлапти.

Бошқача айтганда, кичик сармомлар одамларни катта орзу-мақсадлар сари етакламоқда. Ёшларимизнинг иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлашда қўлай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яратилгани, тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

**Шигер КАШИВАГИ,**  
**Япониянинг Кэюо университетининг профессори:**  
— Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини юритиш шартлолларини тубдан яхшилаш борасида қабул қилинган

# Тадбиркор ёшлар — мамлакат тараққиётини белгилувчи куч

миз раҳбарининг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони асосида ўз фаолиятини йўлга қўйган ушбу молия муассасасининг алоҳида ўрни бор. Бинобарин, ўтган вақт мобайнида банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг юксалиши, хотин-қизлар, шу жумладан, тадбиркор ёшларни қўллаб-қувватлашга иқтисодлаштирилган йирик молия муассасаси сифатида шаклланди. Ҳозирги кунда унинг 85 та филиали, 142 та минибанки орқали 200 мингдан зиёд хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда жисмоний шахсларга кенг қўламли хизматлари тақлиф этилаяпти.

Банк фаолият бошлаганидан буюн ўтган ўн йилни сарҳисоб қиладиган бўлсак, тадбиркорлик субъектларига 3 триллион сўмдан зиёд кредит ажратилиб, 1,6 триллион сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Пировардида қарийб 1 миллионга янги иш ўрни яратилди. Ёш тадбиркорларга берилган имтиёзли кредитлар ҳамми эса 300 миллиард сўмга етди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларни амалиётга татиқ этиб келмоқда. Сабаби, ҳар қандай касб-хўнарга ёшлиқдан меҳр қўйиб, унинг сир-асрорлари пухта ўрганилсагина, соҳанинг чинакам билимдонига айланиш мумкин. Шу маънода, банк тадбиркорликка билиму маҳорати, куч-ғайратини астойдил сафарбар қилишни истаган ёшлар билан ишлашни ўзининг муҳим вазифаси, деб билади. Бу йўналишда «Қамолот» ЕИХ билан бирга «Ёш тадбиркор — юртга мададор» лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда касб-хўнар коллежлари ва академик лицей битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, яқна тартибдаги меҳнат фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашувчи «Менинг бизнес ғоям» танлови ўтказилаётгани бежиз эмас.

Қолаверса, олий ўқув юртилари битирувчиларининг



хўнарни тошга ўйилган нақшга қиёслашлари бежиз эмас. Ҳозирги кунда юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор миқёси шунчалик кенги, тенгдошларимизнинг аксарияти мазкур имкониятлардан самарали фойдаланишмоқда. Демак, ёшлар хаётда ўз ўрнини топиб, жамиятга фойда келтиришга интилаяпти. Хусусан, ўзим ҳам коллежда ўқиш давомида хўнар сирларини пухта ўргандим. Яратилган имтиёзлар туйфайли ёнимга бир неча тенгдошларимни олиб, маҳалламизда «Гўзаллик салони» очдим. Орзуларим рўёбга чиқаятганидан ниҳоятда мамнунман.

Айни пайтда банк томонидан Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, барча ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида анъанавий тарзда «Микрокредитбанк» сармоя-

— Бир неча йиллардан буюн куллик корхонасини ташкил қилиш ғоясини ўйлаб юрардим, — дейди Шаҳрихон туманидаги Янги хаёт маҳалласида яшовчи ёш тадбиркор Азизбек Аҳмаджонов. — Банк кўмағи билан ниятим амалга ошди. Устахонамизда тайёрланаётган сопол буюмларга талаб ортиб, буюртмачилар сони тобора кўпаймоқда. Хўнаримиз тенгдошларимга ҳам ўргатаяман.


Оқолтин туманидаги «Аҳиллик» қишлоқ фуқаролар йиғини аҳли Маъмураҳон Жамоловани «Қишлоқнинг илғор тадбиркори» деб атайди. Чунки аслидан чеварлар оиласида тарбия олган бу қиз раҳбарлик қилаётган корхонада тикилаётган кийим-кечаклар ўзининг юқори сифати билан ажралиб турса, «Гўзаллик салони»да кўрсатилаётган хизматлардан аҳоли хурсанд. Ваҳолонки, илгари бундай хизматлардан фойдаланиш учун узоқ йўл босиб, туман марказига боришга тўғри келарди.

Бундан йигирма беш йил муқаддам, яъни Ўзбекистон эндигона мустақиллиқни қўлга киритган пайтларда республи-

салоҳият ҳамда жасоратни талаб қиларди.

Мана шундай мураккаб вазиятда давлатимиз раҳбарининг шижоати ва бевосита раҳбарлиги билан бошланган иқтисодий ислохотлар ўз самарасини берди. Банклар ўртасида соғлом рақобат шаклланиб, мижозлар билан ишлаш тажрибаси юксак даражага етмоқда. Молия-банк тизimini ривожлантириш ҳамда ислохотлаштирилган тизимли чора-тадбирлар иқтисодиётимизни тараққий топтириш билан бирга, юртдошларимизнинг хаёт даражасини юксалтириш, турмуш шароитини тубдан яхшилашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Буни мамлакатимизда қўлай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яратилгани, тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

«Микрокредитбанк» АТБ томонидан касб-хўнар коллежлари битирувчиларига ажратилган кредитлар (1 июнь ҳолатига қўра, млн. сўм).



Банк Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази,

тадбиркорликка қизиқишини кучайтириш мақсадида ташкил этилаётган «Диплом билан — бизнесга» мавзюдаги ўқув-се-

## ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги «2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорига биноан, жаҳон фани ва илғор педагогик технологияларнинг замонавий йўтуқларига асосланган ўқув режалари ҳамда дастурларига мувофиқ, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида 2016/2017 ўқув йили учун қуйидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга тақлиф этади.

Таълим йўналишлари коди	Таълим йўналишлари	Мутахассисликлар коди	Мутахассисликлар
5111019	Касб таълими (кимёвий технология)	5A310903	Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш (тармоқлар бўйича)
5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	5A311001	Технологик жараёнларни ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)
5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	5A312201	Маҳсулотларнинг хавфсизлиги ва уларнинг сертификацияси (тармоқлар бўйича)
5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқарув (тармоқлар бўйича)	5A320305	Кимёвий санаот ва қурилиш материаллари корхоналарининг машиналари ҳамда аппаратлари
5320300	Технологик машина ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	5A320306	Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш технологияси ва жараёнлари
5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	5A320307	Ёғочга ишлов бериш технологияси ва ёғочшунослик
5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)	5A320401	Ноорганик моддалар кимёвий технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)
5321000	Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)	5A320402	Органик маҳсулотлар кимёвий технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)
5321300	Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси	5A320404	Силикат ва қийин эрийдиган материаллар технологияси
5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича)	5A320405	Юқори молекулалы бирикмалар кимёвий технологияси (турлари бўйича)
5640100	Хаёт фаолияти хавфсизлиги	5A320407	Кимёвий технология жараёнлари ва усқуналари (ишлаб чиқариш турлари бўйича)
5321800	Резинотехник маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси	5A320501	Биотехнология (маҳсулот турлари бўйича)
		5A321001	Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)
		5A321003	Озиқ-овқат хавфсизлиги
		5A321302	Нефть ва газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси
		5A321303	Нефть ва газни қайта ишлаш жараёнлари ва аппаратлари
		5A321801	Резинотехник маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси

Ҳужжатлар жорий йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар жорий йил 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади. Институт манзили Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй. Телефонлар: (0-371) 244-79-32, 244-79-27.

**ЭЪЛОНЛАР**

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ

**муқим металлзлагичлар хариди бўйича танлов эълон қилади.**

Тақлифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилган ҳолда, алоҳида ёпиқ конвертларда ҳамда устки қисмига «Муқим металлзлагичлар харид қилиш бўйича танловга» сўзлари ёзилган ва муҳрланган ҳолда топширилиши шарт. Тақлифларнинг техник ҳамда тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда «Техник қисми» ва «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши керак. Танлов бўйича тақлифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида ҳар кун соат 17.00 гача қабул қилинади.

**Танловнинг максимал нархи — ҚҚС билан 40 823 710 сўм.**

**Зақалат миқдори танловнинг максимал нархидан келиб чиқиб — 2%.**

**Танлов ҳужжатларини сотиб олиш нархи — 130 240 сўм (танлов ҳужжатларини харид қилиш учун ўтказилган пул қайтарилмайди).**

**Тижорат тақлифи тақдим этилаётганда қуйидаги шартлар инобатга олинсин:**

- тўлов тури — олдиндан 15 ғоғиз, қолган 85 ғоғози ишлар тўлиқ амалга оширилганидан сўнг;
- лицензия ҳамда гувоҳнома нусхаси.

**Кўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:**

**Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Т. Қайипбергенов кўчаси, 57-уй. Телефонлар: (0-361) 224-01-19, 224-01-23. Факс: (0-361) 224-16-98. X/р: 21506000103765250002, МФО: 00015, ОКОНХ: 97200, СТИР: 202030050, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий банки.**

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Замонавий уй-жойлар, ҳарбий шахарчалар барпо этилгани ҳамда реконструкция қилингани, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжларига жавоб берадиган инфраструктура яратилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Бундай кенг қўламли ислохотлар самарасини МХХ Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш борасидаги чоратadbирлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бунда Президентимизнинг 2007 йил 14 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги

МХХ Чегара қўшинларидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 2009 — 2013 йиллар давомида 800 дан ортиқ ҳарбий шахарча барпо этилган, 1800 нафардан зиёд ҳарбий хизматчи ҳамда уларнинг оила аъзолари уй-жой билан таъминланган. 2014 йил давомида 12 та ҳарбий иншоот қурилиб, 436 та замонавий хонадон қалитлари ўз эгаларига топширилди.

Сўнгги икки йилда эса 29 та ҳарбий объект ва шахарча, чегара пости мажмуалари бунёд қилинди. Шунингдек, 448 нафар чегарачининг оила аъзолари янги уй-жойга эга бўлди. Бундан ташқари, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган ҳарбий госпиталь ва Санитар-



Суратлар «Халқ сўзи» фотожамласидан олинди.

## Юртимиз сарҳадларининг жасур посбонлари

қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилапти.

Ўтган даврда мазкур ҳуқуқий ҳужжат ижроси доирасида кенг қўламли ишлар рўёбга чиқарилди. Хусусан, МХХ Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари ҳамда улар оила аъзолари учун кўплаб замонавий уй-жойлар, ётоқхоналар, таълим муассасалари, спорт мажмуалари ва бошқа объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

эпидемиологик назорат маркази ишга туширилди.

Табиики, соҳанинг моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланаётгани ҳарбий хизматчиларнинг масъулиятли ҳамда шароити вази-фани муваффақиятли бажаришларида катта аҳамиятга эга. Бинобарин, МХХ Чегара қўшинлари ҳарбий қисмларининг бирида ўтган йили бугунги кун талабларига жавоб берадиган янги чегара пости

мажмуаси ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистонда, бу ерда чегарачиларнинг жанговар тайёргарлиги, билим ва малакасини янада ошириши ҳамда хизмат бурчини бекаму қўст бажариши учун барча шарт-шароит мавжуд. Айни чоғда шартнома асосида хизмат қилувчи ҳарбийлар ўз оилалари билан шимна хонадонларда истиқомат қилмоқдалар.

— Бизга берилган уй барча қулайликка эга бўлиб, шахардагилардан сира қолишмайди, — дейди катта лейтенант Б. Абдуллаев. — Бундан хурсандимиз. Айниқса, ёнимизда жойлашган мажмуада спорт иншоотлари ҳамда майдончалар борлиги айни мудоа бўлди. Биз учун ана шундай кенг имкониятлар яратиб берилган экан, Ватан олдидаги бурчимизни садоқат билан бажариб, юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш орқали мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиши йўлида барча куч-ғайратимизни сарфлаймиз.

Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридаги "Нуробод" кўрғонда ҳарбийлар шахарчаси барпо этилгани ҳали кўп бўлмади. Муҳими, бу ерда чегарачилар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун ҳамма қулайлик муҳайё қилинган. Замонавий болалар майдончаси

айни чоғда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари билан гапжум.

— Ҳарбийлик болалик орзуим эди, — дейди сержант Ш. Бобомуродов. — Мана, орзуим ушалаб, саккиз йилдан буён чегарачилар сафига хизмат қиламан. Сир эмас, бу биздан катта масъулият, доимо ҳушёрлик ва огохликни талаб этади. Зеро, чегара ҳар қандай вазиятда, кечяо кундуз қўриқлашни тақозо қилади. Биз учун яратилган энг қулай шароитлар бу борада қўшимча куч бағишляпти. Масалан, бир гуруҳ сафдошларим қаторида менга ҳам замонавий уй насиб этди. Хозир у ерда турмуш ўртоғим ҳамда фарзандларим билан бахтли ҳаёт кечираялдим.

Ҳарбийларни уй-жой билан таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастури ижроси Сурхондарё вилоятида ҳам изчиллик билан таъминланаяпти. Хусусан, ўтган йили воҳанинг Термиз шаҳри ва Жарқўрғон туманида 100 га яқин янги уй ўз эгаларига топширилган эди. Жорий йилда эса Узун туманида 40 та оилага мўлжалланган тураржой қурилиши бошлаб юборилган бўлса, яқинда Музаббат туманида қад ростлаган 48 хонадонли янги бино ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларига топширилди. Иншоотда нимаики зарур бўлса,

барчаси муҳайё қилинган. Хоналар кенг ва ёруғ, замонавий усулда жиҳозланган. Шаҳарча ҳудудига мева-вали ҳамда манзаралари дарахт кўчатлари, турли гуллар экилган. Бу эса ҳудудда ёқимли микроклимни ҳосил қилган. Замонавий болалар майдончаси ҳам барчага бирдек манзур бўлди.

— Ўн йилдан буён МХХ Чегара қўшинларида шартнома асосида хизмат қиламан, — дейди кичик сержант Д. Юсупов. — Ўтган давр мобайнида ушбу соҳа ҳаётим мазмунига айланди. Турмуш ўртоғим Лобархон ва икки нафар фарзандим масъулиятли вазифамда менга кўмакчи. Яқинда уч хонали уйга кўчиб кирдик. Бундан уларнинг қувонганини кўрсангиз эди. Фаровон ҳаёт кечиршимиз учун барча қулайлик тақдим этилган. Бизга ана шундай шароит яратиб бераётган Юртбошимиздан беҳад миннатдоримиз.

Умуман, истиқлол йилларида ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оилаларини ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусан, замонавий уй-жойлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай гамхўрликка муносиб бўлиш йўлида чегарачиларимиз сарҳадларимиз мустаҳкамлиги, осмонимиз мусоф-фолиги, кўнгилларимиз хотиржамлигини таъминлаш йўлида сидқидилдан, жонқуярлик ва фидойилик кўрсатиб хизмат қилмоқда. Зотан, тинчлик ҳамда осойишталик ҳукмрон юрт гуллаб-яшнади, дориламон қунар бардавом, аҳоли турмуши эса фаровон бўлиб бораверади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**  
**«Халқ сўзи» муҳбири.**



Суратлар «Халқ сўзи» фотожамласидан олинди.

### АБИТУРИЕНТ — 2016

Айни кунларда мамлакатимизда навбатдаги ўқув йили ниҳоясига етиши билан академик лицей, касб-хунар коллежлари битирувчилари, умуман, талаба бўлиши диллига туккан ёшлар учун ҳаяжонли, масъулиятли ва унутилмас дамлар бошланди. Улар орзулар оғушида юрган навқирон авлод вакиллари ўз ҳаётидаги энг муҳим қарорлардан бирини қабул қилиши, яъни касб танлаши, эртанги истиқболни йўлида моҳир мутахассис бўлиб шаклланиши керак бўлади. Бунда жорий йилда олий ўқув юр்தларида ўтказиладиган тест синовларидаги янгиликлар ҳар бир йигит-қизни қизиқтириши табиий.

Муҳбиримиз Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази директори Жаҳонгир ИСМАИЛОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамоларида Ватанимизни жадал равнақ топтириш мақсадида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борада амалга оширилаётган ислохотлар таълимни сифат ҳамда мазмун жиҳатидан янада юксак поғонага олиб чиқиш, мутлақо янги ҳаёт дунёқараш ва тафаккурга эга шахсларни тарбиялаш имконини берапти.

Юртимиз таълим соҳасида жорий этилган асосий янгиликлардан бири — МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, олий таълим муассасаларига ўқишга қабул тест синовлари асосида амалга оширилишидир. Мазкур усул ёшлар билими, қобилияти ҳамда лаёқатини аниқлашнинг ҳолис, ҳаққоний, ишончли ва айни пайтда тезкор усули эканини вақтинг ўзи исботлади.

Энди бевосита бу йилги олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш квотаси ҳақида сўз юритсак. Мазлумки, Президентимизнинг шу йил 26 майдаги "2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича қабул квоталари белгиланди. Уларга кўра, 2016/2017 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент давлат техника университетига саккизта, Тошкент архитектура-қурилиш институтида учта, Тошкент кимё-технология институтида битта, Алишер Навоий номида Тошкент давлат ўзбек

давлат гранти, 38787 нафари эса тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади. Шунингдек, махсус сиртки таълим шакли бўйича Тошкент кимё-технология институтининг Кўнгирот бўлимига 65 нафар талаба давлат гранти асосида, Тошкент ахборот технологиялари университетида 50 нафар талаба, шундан 15 нафари давлат гранти ва 35 нафари тўлов-контракт асосида талабалikka қабул қилиниши белгиланган.

— Навбатдаги ўқув йилида олий таълим тизимига қандай янги йўналишлар очилаяпти?

— Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарорига мувофиқ, республикамиздаги 13 та олий таълим муассасида 18 та янги таълим йўналиши очилди ва улар бўйича қабул квоталари белгиланди. Уларга кўра, 2016/2017 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент давлат техника университетида саккизта, Тошкент архитектура-қурилиш институтида учта, Тошкент кимё-технология институтида битта, Алишер Навоий номида Тошкент давлат ўзбек

институти (24 минг 170 нафар), Андижон давлат университети (22 минг 819 нафар), Фарғона давлат университети (22 минг 253 нафар), Қарши давлат университети (21 минг 832 нафар) эғаллаган.

— Давлат тест маркази томонидан тест жараёналарини ўтказишга тайёргарлик қандай давом этапти?

— Биз, даставвал, жойларда аудиторияларни тайёрлаш ишлари ҳамда бинолар дислокациясини ўрганиб чиқдик. Шунга биноан, бу йил олий таълим муассасаларига ҳужжат топширадиган абитуриентларнинг кўпайишини назарда тутган ҳолда иш олиб бордик. Бундан ташқари, олий, олий ҳарбий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул бўйича ўтказиладиган тест синовларига Давлат тест маркази вакиллари сифатида иштирок этиши белгиланган 5725 нафар номзод учун тест синовини ўтказиш тартиби тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида амалий семинар машғулоти ташкил қилинди. Ўз навбатида, улар томонидан аудитория раҳбари

ва кузатувчи сифатида қатнашадиган 127 мингдан ортиқ номзод педагог-ҳодимлар учун амалий машғулотлар олиб борилди. Машғулотларни сифатли ўтказиш ҳамда юқори тайёргарликка эришиш мақсадида ўзбек ва рус тилларида тест синовини тартибга бағишланган ўқув видеофильми, тақдимотлар, кўргазмали қуроллар тайёрланди ва барча ҳудудга етказилди. Хозирги кунда ҳам тест синовини ўтказиладиган бинолар дисло-

кацияси бўйича иш олиб борилмоқда.

— Газетхонларимизга тест синовларидаги муважуд имтиёзлар ҳақида тўхталсангиз?

— Олий таълим муассасаларига имтиёзли (танловдан ташқари, тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонлар-сиз) давлат гранти асосида қабул қилиш Президентимизнинг 1993 йил 5 февралдаги "Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги "Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги қарори ҳамда шу ҳужжатда келтирилган Республика олимпиадалари, танловлари ва спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида Низом асосида амалга оширилади.

Президентимизнинг 1999 йил 10 июндаги "Зулфия номидаги Давлат мукофотини тасвир этиш бўйича тақдирларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони асосида қабул қилиш ҳам ана шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда тегишли вазирликлар, идоралар томонидан ҳар йили ўтказиладиган республика танловлари қўллаб-қувватланади ва мазкур имтиёзга эга.

Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматдан бўшаш чоғида олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар олган ҳарбий хизматчилар учун тест синовларида жамағарилиш мумкин бўлган умумий баллининг 27 фоизи миқдорида (61,2) балл берилиши имтиёзи ҳам мавжуд.

— Суҳбатимиз сўнггида тест синовларига тайёргарлик кўраётган йигит-қизларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

— Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, юртимизда ёшларнинг билим олиши учун жуда катта имкониятлар яратилган. Бундан йигит-қизлар самарали фойдаланишлари, фурсатни зое кетказмасдан тест синовларига пухта тайёргарлик қилишларини маслаҳат берадир. Ҳар хил тест жавоблари, турли "шпаргалка"ларга чалғимаслик зарур. Булар вақтини беҳуда сарфлашга олиб келади, ҳолос.

Абитуриентларга омад ва талаба бўлиш бахтини тиланган ҳолда, яна тест синовлари жараёнида уларга бериладиган тест материаллари — савооллар китоби, жавоблар варақасининг ўзи ҳақидаги маълумотлар киритилиши белгиланган жойларини тўлиқ, ҳатосиз расмийлантиришлари, титул варақаси ҳамда руҳсатномасига жавоблар варақаси рақамини беҳато кўчириб ёзишлари, шунингдек, имзо қўйилиши керак бўлган барча илова ва шакллларга имзо қўйилиши унутмасликларини сўраймиз. Бу уларнинг тест синовининг кейинги босқичида ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда ёрдам беради.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ**  
**суҳбатлашди.**

## МАДАНИЯТ

хабарлари

Жиззах шаҳрида замонавий маданият ва аҳоли дам олиш маркази иш бошлади.

### Санъатсеварлар маскани

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "2013 — 2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида вилоятда 2018 йилга қадар жами 36 та ана шундай муассаса бунёд этилиши кўзда тутилган. Шу кунга қадар улардан 5 таси фойдаланишга топширилди.

Янги марказда 1500 ўринли амфитеатр, маъмурият ва тўғарак хоналари мавжуд. Қолаверса, бу ерда "Сангзор" халқ хаваскорлик жамоаси, гимнастика, доира, пианино, рубоб, эстрада, рақс, шахмат-шашка каби тўғараклар фаолият олиб бормоқда.

**Дилфуза ҚАРШИБОВА.**

### Маҳорат сабоқлари

Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият қарвонсаройида япониялик мутахассис Ёшико Сайтонинг бадий сирлаш, рассом Мари Мишаининг хаттотлик бўйича маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

Унда ўзбекистонлик рангтасвир ва амалий санъат усталари, хаттотликка меҳр қўйган ёшларга Мари Мишаи ижодига хос бўлган роқецу (матони бўш аҳанъани япон услуби) нақшларини бадий сирлаш техникаси ҳамда бошқа ноёб усуллар ҳақида амалий кўникмалар берилди.

**Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.**

## Спорт

Футбол бўйича Ўзбекистон XXV миллий чемпионати олий лигаси ўн иккинчи тур ўйинлари якунланди.

### Ўн иккинчи тур якунланди

Қаршининг "Насаф" клуби ўз уйида Тошкентнинг "Локомотив" жамоасига 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди.

Пойтахтнинг яна бир клуби "Бунёдор" эса Бекободда "Металлург" билан мурося кўчасини танлади — 1:1.

Яна бир қизиқарли ўйин Андижонда бўлиб ўтди. Унда мезонлар "Олмалик" (Олмалик) жамоасига 0:2 ҳисобида ютказилди. Ўзбекистоннинг яна бир клуби "Нефтчи" (Фарғона) 2:0, "Кизилқум" (Навоий) — "Навбахор" (Наманган) 1:0, "Шўртан" (Фўзор) — "Обод" (Тошкент) 3:2.

Турнир жадвалини "темир йўлчилар" 34 очко билан бошқариб борапти.

**Саиджон МАХСУМОВ** тайёрлади.

Тошкент ирригация ва мелiorация институти жамоаси мелиора Касаба уюмаси кўмитаси Ахборот технологиялари кафедраси доценти

**Шароф БОБОНАЗАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

### Халқ сўзи Народное слово

#### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

#### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 113 851 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун ОА-хатини телефонингиз орқали сканер қилинг.



#### ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълоқлар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўламавлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб бериб берилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тозаев томонидан сақланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.30 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6